

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИЗОМОВ АЗИЗЖОН АБДУМАТЛУБОВИЧ**

**АЦЕТИЛЦИСТЕИННИНГ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМ  
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЭНДОТЕЛИАЛ ТИЗИМИ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЯЛЛИҒЛАНИШ  
МАРКЁРЛАРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.05- Ички касалликлар**

**Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Низомов Азизжон Абдуматлубович**

Ацетилцистеиннинг ўткир коронар синдром билан оғриган беморларнинг эндотелиал тизими кўрсаткичлари ва яллиғланиш маркёрларларига таъсири..... 3

**Низомов Азизжон Абдуматлубович**

Влияние ацетилцистеина на показатели эндотелиальной системы и маркеры воспаления у больных с острым коронарным синдромом..... 25

**Nizomov Azizjon Abdumatlubovich**

The effect of acetylcysteine on the parameters of the endothelial system and markers of inflammation in patients with acute coronary syndrome..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИЗОМОВ АЗИЗЖОН АБДУМАТЛУБОВИЧ**

**АЦЕТИЛЦИСТЕИННИНГ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМ  
БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЭНДОТЕЛИАЛ ТИЗИМИ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЯЛЛИҒЛАНИШ  
МАРКЁРЛАРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.05- Ички касалликлар**

**Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1656 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аляви Анис Лютфуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
ЎзР. ФА академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Аҳмедов Холмурод Саъдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Зияев Йўлдош Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ноябр соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (806 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» ноябр да тарқатилди.  
(2021 йил «13» ноябр даги 27 рақамли реестр баённомаси)



**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ранси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар ранси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё аҳолиси орасида юрак ишемик касаллиги (ЮИК), жумладан ўткир коронар синдроми (ЎКС) оқибатида кузатиладиган юрак-қон томир етишмовчилиги беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсири ва ногиронлигига сабаб бўлмоқда. Хорижий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, «...ўткир коронар синдром туфайли кейинги 2 йил ичида реваскулиразация ва ўлим ҳодисалари беморларнинг 25 %да, 4 йилдан кейин эса деярли 40 %да учрайди...»<sup>1</sup>. ЮИК, хусусан ЎКСни даволашда сўнгги йилларда эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, бу касалликни ташхислаш ва даволаш муаммолари, шунингдек, унинг асоратларини ечими бугунги кунда тўлиқ ҳал этилмаган. Шунинг учун ЎКС даволашнинг самарали усуллари қаратилган тадқиқот ишлари долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда ЎКСни ташхислашда, даволашда янги усулларни яратиш ва такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЎКСда яллиғланиш кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаштириш, томир эндотелий фаолияти ўзгариши ва уларнинг яллиғланиш жараёнига боғлиқлигини аниқлаш, эндотелий дисфункциясининг (ЭД) ЎКС шакли, давомийлиги ва клиник кечишига кўра ўзига хослигини аниқлаштириш, унда миокардда кузатиладиган ўзгаришларда ЭД ва яллиғланишнинг ўрнини аниқлаш ҳамда касалликда ЭД авжланиб боришини олдини олишнинг монанд даво усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ЎКСга чалинган беморларга кардиолог ва кардиореаниматолог томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда даволашда ЭДни тиклашга қаратилган давони такомиллаштириш, аҳоли орасида ЮИКни камайтириш билан бир қаторда ЎКСни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> EUGenMed Cardiovascular Clinical Study Group. Gender in cardiovascular diseases. Eur Heart J/ – 2016. – №37. – р. 24–34.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг ривожланган давлатларида сўнгги йилларда ЎКСни ўрганиш доирасида ўтказилган тадқиқотлар барча хавф омиллари таъсирида ЮИК ривожланишида универсал механизм сифатида қараладиган ЭД жараёнини ва гемодинамик ўзгаришларнинг ҳолати ҳамда турли хил гуморал омилларга боғлиқлигини кўрсатган. Шундай экан, ЭДга таъсир қилувчи, жумладан, ЎКСда уни тиклашга қаратилган даво чораларини такомиллаштириш муаммолари сақланиб қолмоқда.

ЎКСни даволашга қаратилган илмий ишлар доирасида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Унда томир деворидаги тромбознинг ривожланишини тўхтатишга қаратилган гуруҳга кирувчи антиромботик, антиагрегант ва фибринолитик дорилар, яъни қон ивиш каскадининг турли бўғинларига таъсир этувчи воситалар самандорлиги исботланган (De Lemos J.A., Wiviott S.D., 2006). ЎКСда гомеостазга антеагрегантларнинг таъсиридаги муҳим ўрни кўрсатилган (ISIS-2, The RISC Group, Antiplatelet Trialist' Collaboration, 2014). Эндотелий функциясининг яхшиланишига қаратилган давонинг тизимли атеросклеротик ўзгаришларнинг регрессиясига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган (Rymer JA, Newby LK., 2017). Яллиғланиш олди цитокинларини ЎКС авжланишига таъсири, улар томонидан периферик тўқималар ва кардиомиоцитларга нейрогуморал ва ренин-ангиотензин-алдестерон тизим фаоллигини шакллантириш, азот оксиди маҳсулотлари (NO) ҳамда метаболизмнинг омилларига шикастлантирувчи таъсири аниқланган (Шилов А.М., 2011; Garsua-Salas J.M. et. al., 2014). Шу билан бир қаторда, ЎКСда ЭД ва яллиғланиш маркёрларига ацетилцистеиннинг таъсири юзасидан илмий адабиётлардаги манбаларда маълумотлар келтирилмаган.

Ҳозирга қадар мамлақтимизда ЎКСга чалинган беморларда катехоламин метабولىк бузилишларини бирламчи яллиғланиш медиаторларга боғлиқлиги (Шамситдинова А.С., 2019), ЎКС/МИдан касалланиш ва ўлимни камайтириш мақсадида юрак қон-томир касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ҳамда профилактикаси (Курбанов Р.Д. 2011; Мамасолиев Н.С. 2005), метабولىк синдромли ЎКС билан ҳасталанган беморларни даволашни такомиллаштириш (Орипова Н.Х., 2019), ЎКС билан асоратланган артериал гипертензия мавжуд

беморларда юрак эктопик фаоллигининг хусусиятларига (Очилова Д.А, Хасанов С.А, 2020) бағишланган муаммолар бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Лекин, ЎКС мавжуд беморларда ЭДни ацетилцистеин негизида тиклашга қаратилган даво тўғрисида маълумотлар келтирилмаган.

N-ацетилцистеин NO-синтаза ферменти туфайли азот оксидни шакллантириш жараёнига таъсири туфайли молекуляр нишонлар турини ўзгартиришга олиб келишини ва азот оксидини модуляцияловчи, яъни уни кўпайишига ёки камайишига олиб келувчи модда ҳисобланишини инобатга олиб уни ЎКСда ЭДга таъсирини ўрганиш амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти РИТ ва ТРИАТМнинг илмий тадқиқот ишлари режасига № 01800229 сонли «Ички касалликлар ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2019-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ST-сегменти кўтарилган ЎКС билан кечувчи беморларда N-ацетилцистеиннинг эндотелий функцияси ва яллиғланиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ST сегменти кўтарилган ЎКСнинг клиник ва гемодинамик хусусиятларини баҳолаш;

ЎКС ST сегменти кўтарилиши билан кечувчи беморларда яллиғланиш маркёрларининг ўзгаришларини аниқлаш;

ST сегменти кўтарилган ЎКС билан кечувчи беморларда томир эндотелиал функциясини кўрсаткичларининг ўзгариши ва уларнинг иммун-яллиғланиш кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

ЎКС ST сегменти кўтарилиши билан кечувчи беморларда N-ацетилцистеиннинг NO-тизими ва эндотелийга боғлиқ вазодиятация (ЭБВД) кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ST сегменти кўтарилган ЎКС билан кечувчи беморларда N-ацетилцистеин негизида ЭД ва яллиғланиш маркерларнинг динамикасини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази кардиореанимация бўлимига тушган электрокардиограммада ST сегменти кўтарилган ЎКСга чалинган, 41 дан 68 ёшгача ( $58,4 \pm 10,5$ ) бўлган 100 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби, биокимёвий, ЭКГ, ЭхоКГ ва ЎКС ташхисотига доир тадқиқотлар материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумклиник, биокимёвий, иммун-ферментли, асбобий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ST сегменти кўтарилган ЎКСда томирлар эндотелий фаолияти бузилиши ва унинг авжланиб боришида гиперцитокинемиянинг (IL-1 $\beta$ , IL-6 ва ЎНО- $\alpha$ )

ўрни асосланган;

ЎКС ST сегменти кўтарилгиши билан кечишида базисли даво ва тож томирларини ангиопластикаси асосида N-ацетилцистеин қўлланилишининг NO-тизими мувозанатини тикланиши орқали томир эндотелий фаолиятига ижобий таъсири исботланган;

ST сегменти кўтарилган ЎКСда N-ацетилцистеиннинг гиперцитокинемия, яъни IL-6 агрессивлигини сўндириши туфайли яллиғланиш жараёнини тиклашдаги ўрни асосланган;

ЎКС ST сегменти кўтарилишида N-ацетилцистеин асосида ЭБВДнинг ҳаққоний силжишлари ва  $\Delta D$  нинг динамикаси ҳамда унинг систолик қон оқими чўққи тезлиги ( $\Delta V_{ps}$ ) ва охириги диастолик қон оқими тезлиги ( $\Delta V_{ed}$ ) силжиш кўрсаткичларига ижобий таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ST сегменти кўтарилган ЎКСга чалинган беморларда NO-тизимини дисбаланси негизида томирларнинг эндотелий фаолияти бузилишини ўрни баҳоланган;

ЎКС ST сегменти кўтарилишида ишемия жараёни, жумладан иммун-яллиғланиш механизмлардаги ўзгаришларни ЭДга боғлиқлигини аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичлар таҳлилий жиҳатдан умумлаштирилган;

кардиолог ва кардиореаниматолог учун ЎКС ST сегмент кўтарилишида турли шакллари клиник кечиш хусусиятларини ЭД ва яллиғланиш кўрсаткичлар асосида баҳолаш мезонлари шакллантирилган;

ST сегменти кўтарилган ЎКС аниқланганда БД негизида ЭД тиклашга қаратилган давонинг, яъни N-ацетилцистеиннинг аҳамияти ва уни юрак-қон томир тизмидаги гемодинамик функционал имкониятларини яхшилашдаги ўрни тавсифланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, фенотипик, биокимёвий ва асбобий ҳамда статистик усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ST-сегменти кўтарилган ЎКС (ЎКС ST сегмент кўтарилиши)нинг клиник манзараси ва ЭД ҳамда яллиғланиш кўрсаткичларининг миқдорий ҳамда хусусиятларига йўналтирилган ёндошув асосида тавсифлаш соғлиқни сақлаш тизими амалиётига ЮИКни самарали ташхислашга имкон берувчи манба сифатида хизмат қилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, ST сегменти кўтарилган ЎКС ривожланишида хавф омиллари, жумладан томир эндотелий фаолияти бузилишларининг аҳамияти



касалликни кечишида башорат бериш имконининг яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЎКС STсегмент кўтарилишида ЭД ни аниқлаш билан бир қаторда, уни тиклашга қаратилган даво усулининг устивор томонларга эгаллиги ҳам мазкур илмий изланишнинг амалий жиҳатдан муҳимлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ST сегменти кўтарилган ЎКСда томир эндотелий фаолияти бузилишини аниқлашда ва уни тиклашга қаратилган даволашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда ЭД аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ўткир коронар синдромда эндотелиал дисфункцияни аниқлаш усули» номли (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7.08.2021й. 8н-з/281 – сонли маълумотномаси) услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома кардиолог ва кардиореаниматологларга мўлжалланган бўлиб, ундаги тавсиялар ЎКС ST сегмент кўтарилишида томир эндотелий фаолиятини ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда ЭДни даволаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «ST сегменти кўтарилган ўткир коронар синдромда эндотелиал дисфункцияни тиклашга қаратилган даволаш усули» номли (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7.08.2021 й. 8н-з/281 - сонли маълумотномаси) услубий тавсияномаси тасдиқланган. Мазкур услубий тавсияномада берилган тавсиялар томир эндотелий фаолияти бузилишини даволаш негизида касалликни асоратларини олдини олиш имконини берган;

ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечган беморларда ЭДни даволаш бўйича ташхислаш ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Бухоро тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7.08.2021 й. 8н-з/281- сонли маълумотномаси). Амалиётга тадбиқ этилган натижалар йил давомида ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечган беморларда касалликни эрта ташхислаш ва прогностлаш, асоратларни камайиши ҳамда моддий сарф-ҳаражатларнинг қисқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир коронар синдромда томир эндотелий фаолиятини бузилиши ва яллиғланиш жараёни ҳамда уларни тиклашнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда ЎКСнинг патогенетик хусусиятлари, ЮИКнинг ривожланишида ЭД ва яллиғланиш жараёнларининг ўрни кенг ёритилган. ЎКС ST сегмент кўтарилишининг ривожланиши ва авжланишида ЭДнинг аҳамияти ва таснифланиши ҳамда миокарднинг шикастланиши ёки некрозини шаклланишида томир эндотелий фаолияти ва яллиғланиш жараёнларига алоҳида урғу берилган. ЮИКни хавф омиллари асосида клиник кечиш хусусиятлари, ташхислаш усулларининг ўзига хос томонлари, даволашдаги замонавий ёндошувлар ва амалиётдаги муаммоларга ҳам аҳамият берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотга жалб қилинган беморлар клиник материали ва ўткир коронар синдром қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва тадқиқот усуллари, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаш ва клиник материалнинг умумий белгилари ва беморларнинг клиник тавсифи келтирилган. ЎКС ST сегмент кўтарилишидаги беморларда томирлар эндотелий фаолияти ва яллиғланиш маркёрларининг силжишларини аниқлаш мақсадида беморларда сўраб суриштириш, кўздан кечиришдаги аниқланган ўзгаришлар, миокарддаги ишемик жараён ҳисобига гемодинамик ўзгаришлар даражаси, томир эндотелий фаолияти ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичларидаги силжишлари, умумий клиник, биокимёвий, асбобий текширувлар таҳлилларини амалга оширишга қаратилган. Тадқиқотнинг 1-босқичида ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда мақсадли клиник-лаборатор, яллиғланиш маркёрлари ва томир эндотелий функциясига оид ҳамда тегишли асбобий текширувлар ўтказилган. Бунинг учун ўртача  $57,2 \pm 11,5$  ёшда бўлган ЎКС ST сегмент кўтарилиши ташхиси билан ётқизилган 100 нафар (I гуруҳ) ва қиёслаш мақсадида ЮИК стабил стенокардияси II-IV синф (ЮИК-СС II-IV) ташхиси билан касалланган ( $56,2 \pm 6,9$  ёш) 30 нафар (II гуруҳ) беморлар ҳамда назорат гуруҳи учун 20 нафар соғлом шахслар ( $55,6 \pm 6,2$  ёш) танланган. Гуруҳлар ўзаро ёши ва жинси бўйича

тахминан мос келган.

Тадқиқотнинг 2-босқичида ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда ацетилцистеиннинг ЭД ва яллиғланиш кўрсаткичлари динамикаси тахлилига қаратилган илмий изланиш асосида олиб борилган. Бунинг учун ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда тўртта гуруҳга тақсимланган. Улар ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича тахминан ўзаро тақсимланган (1-жадвал). I гуруҳга (n=25) стационар шароитида базисли даво (БД), яъни анъанавий медикаментоз даво тадбирлари қўлланилган беморлар киритилган бўлса, II гуруҳга (n=25) киритилган беморларга эса БД негизида тож томирлари ангиопластикаси (БД+ТА) амалга оширилган.

1-жадвал

### Гуруҳдаги беморларнинг тавсифи

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (БД) (n=25)	II гуруҳ (БД+ТА) (n=25)	III гуруҳ (БД+АЦЦ) (n=25)	IV гуруҳ (БД+ТА+АЦЦ) (n=25)
Бемор ёши	56,1±6,1	59,1±4,9	59,7±5,4	58,1±6,4
Эркаklar	11 (44)	8 (32)	12 (48)	10 (40)
Аёллар	14 (56)	17 (68)	13 (52)	15 (60)
ЮИК давомийлиги (йил)	4,1±0,22	3,3±0,21	3,6±0,21	2,9±0,21

Қолган икки гуруҳ ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда N-ацетилцистеин (АЦЦ) қўлланилган, яъни III гуруҳни (n=25) БД негизида АЦЦ қўлланилган (БД+АЦЦ) беморлар ҳамда IV гуруҳ (n=25) ТА негизида АЦЦ қўлланилган (БД+ТА+АЦЦ) беморлар ташкил қилган. N-ацетилцистеин (АЦЦ) таблетка шаклида 1200 мг кунига 10 кун давомида буюрилган.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари: кардиоген шок, қайталанган миокард инфаркти, юрак нуқсонлари, мия қон айланишининг ўткир бузилишлари, буйрак ва жигар етишмовчилиги, ўпка-бронх касалликлари, оғир қандли диабет ва аритмиялар; Covid-19 га чалинган ва ўтказган беморлар; N-ацетилцистеин (АЦЦ) препарати ёки унинг компонентига кузатилган аллергия реакция мавжудлиги.

Самарадорликликни аниқлаш усуллари учун NO-тизими кўрсаткичлари динамикаси; IL-6, TNF-α ва C-реактив оксил (СРО) динамикаси; гемодинамика кўрсаткичлари ва эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг (ЭБВД) силжиши каби кўрсаткичлар инобатга олинган.

NO-тизими даражасини аниқлаш учун биокимёвий усуллар қўлланилиб, ЭБВД силжишини эса реактив гиперемия синамадан (РГС) олдин ва кейинги қон томир диаметри қийматларининг динамикаси орқали ўнг елка артериясининг доплерографиясидан олинган маълумотлари асосида, D. S. Selemajer услуги бўйича баҳоланган. Ўнг елка артерияси кўрсаткичларининг ўзгаришлари Acuson 128 (АҚШ) ультратовуш тизимининг фазали панжарага эга бўлган 7 МГц чизиқли датчик ёрдамида баҳоланган. Гемодинамик ўзгаришлар эхокардиографик (ЭхоКГ) текширувдан олинган кўрсаткичларни баҳолаш орқали баҳоланган.

Тадқиқотда олинган натижаларга STATISTICA (StatSoft, 6,1–8,0 версияси, АҚШ) дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилган. Қўлланилган диаграмма ва жадваллар MS Excel 2007 ёрдамида тузилиб, маълумотларнинг миқдорий кўриниши  $M+SD$  шаклда тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Ўткир коронар синдромда эндотелий дисфункцияси ва яллиғланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида мазкур касалликнинг кечиш хусусиятлари, хавф омиллари, коморбидлик ҳолати, гемодинамик бузилишлари, яллиғланиш жараёни ва томир эндотелий фаолияти ўзгаришларига оид натижалари келтирилган.

Проспектив тадқиқотлар негизида олиб борилган илмий ишимиз натижаларига кўра, ЎКС ST сегмент кўтарилиши ўзининг кечиши, кенг кўламдаги клиник манзара билан ажралиб турган. Бунда беморлар ичида аёллар эркекларга нисбатан устунлик қилиб, барча беморлардан 59%ни улар ташкил қилган. Тадқиқотга жалб қилинганлар асосини 51 ёшдан зиёд беморлар бўлиб, эркекларда 41,5% улуши 51-60 ёшга тўғри келган, аёлларда эса 44,1% ҳолатларда 61 ёшдан катта бўлган беморларда аниқланган. 3/4 ҳолатда АГ негизида ЎКС ва 1/5 улушида қандли диабет аниқланган. Ўз навбатида, беморларнинг 78% улушида чекиш, 38% ТВИ ошиши ва 42% ҳолатда гиподинамия каби хавфли омили топилган. Қолаверса, гиперлипедемия 85% беморларда кузатилиб, бунда паст зичликдаги липопротеидлар (ХС ПЗЛП) 78% ва триглицеридлар (ТГ) ошиши 87% беморларда ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, юрак уриш сони  $>80$  бўлган беморларнинг улуши 74%ни ташкил қилган ва 32% беморда аритмиялар аниқланиб, улар асосан бўлмача ва монотопли қоринча экстрасистолиялар ва Гис тутами чап оёқча блокадаси шаклларида келган.

Маълумки, томир эндотелий фаолиятини бузилиши натижасида липопропротеинларнинг трансцитози бузилади ва шу сабабли атеросклероз жараёнини авжланиши кузатилади (Cheng C, Tempel D, van Naperen R, et al. 2006). Бу вазиятда ЮИК негизида ўткир жараёнларнинг юзага келиш эҳтимоли ошиб боради. Дарҳақиқат, илмий тадқиқотдаги олган натижалар ЮИКнинг барқарор кечишидаги беморларга нисбатан ЎКС ST сегмент кўтарилишига учраган беморлар гуруҳида ХС ПЗЛП деярли икки баробар ( $p<0,05$ ) ошиб кетганлигидан далолат берган. Шунингдек, ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда ТГ ишонарли даражада ( $p<0,05$ ) ЮИК-СС II-IV беморларининг кўрсаткичларидан фарқланган. Шундай қилиб, хавф омиллар ЮИКнинг ўткир кечишини юзага келишида муҳим ўрин тутди ва бунинг натижасида ЎКС ST сегмент кўтарилиши вазиятдаги клиник кўриниши эҳтимоли ошиб боради.

Стационарга ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан тушган ва тадқиқотга жалб қилинган 100 нафар барча беморлар 3 сутка давомида, уларнинг 51% улуши ЎКС ST сегмент кўтарилиши Q тишли ўткир миокард инфарктига (ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ), 40% ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишсиз ЎМИ ва 9% ҳолатда ностабил стенокардияга (НС) айланган.

Маълумки, коморбидлик, асосий касалликнинг авжланиши, асоратланиши ва прогнозига таъсирида тўғридан тўғри омиллардан

ҳисобланади. Шундай экан, патологик жараёни зўрайиб бориши ёндош касалликларининг патогенентик жиҳатдан таъсирига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, таҳлил негизида тадқиқотга жалб қилинган беморларда ёндош касалликлар таркибига эътибор берилди. Тадқиқотга жалб қилинган ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда турли хил ёндош касалликлар, яъни полиморбидлик вазияти аниқланган бўлиб, қандли диабет ва АГдан ташқари, асосан сийдик йўллари инфекцияси (16%), сурункали холецистит (56%), сурункали гастрит (37%), сурункали бронхит (4%) ва анемия (67%) каби касалликлар қайд этилган.

Беморларни дастлаб ва динамикада олинган ЭхоКГ кўрсаткичларининг таҳлили ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда чап қоринчанинг (ЧҚ) ҳолати ҳамда унинг систолик ва диастолик фаолиятлари мазкур вазиятнинг оқибати, яъни ЎМИ ёки НС шаклланишига боғлиқ бўлган. Табиийки, ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НС билан яқунланган беморларнинг дастлабки кунларидан ЧҚнинг миокардда шикастланган майдони (МШМ) аниқланмаган, лекин ЧҚнинг ҳажми Q-тўлқинли ЎМИ шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган. Бунда ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ чалинган беморларда ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишсиз ЎМИга нисбатан МШМ 8 баробар ( $p<0,002$ ) фарқланган. Айтиш лозимки, МШМ локал қисқариш индексига (ЛҚИ) таъсир кўрсатади ва бу ўз навбатида, гуруҳлар ўртасида фарқликлар кузатилишидан далолат берган. Қолаверса, ЛҚИ ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИга чалинган беморларда ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НСга нисбатан 2 баробар ( $p<0,02$ ), ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишсиз ЎМИга нисбатан эса 1 баробар ( $p<0,05$ ) кўп бўлган.

Маълумки, ЧҚнинг ремоделланиши ва унинг функционал имкониятлари чегараланиб бориши ЧҚнинг отиш фракцияси (ОФ) пасайишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, МШМ юқори бўлган ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИда ЧҚ ОФ ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НСга нисбатан ишончли равишда ( $p<0,05$ ) фарқланган. Лекин, ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ билан ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишсиз ЎМИга чалинган беморлар ўртасида ЧҚ ОФ бўйича аҳамиятли фарқлик ( $p>0,05$ ) кузатилмаган. Ўз навбатида, ЎКС ST сегмент кўтарилишининг ЎМИга ўтган беморларда ЧҚнинг охириги диастоладаги ҳажми индексини (ОДҲИ) кўрсаткичи ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НСга нисбатан ишончли кўпайган, лекин ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ билан ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишсиз ЎМИ ўртасида статистик аҳамиятдаги ишончли фарқлик ( $p>0,05$ ) бўлмаган. Шунингдек, ЧҚнинг деворининг нисбий қалинлиги (ДНҚ) фақат ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ билан ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НС беморлари ўртасида ишончли фарқлик ( $p<0,05$ ) аниқланган.

ЮИК авжланиши, яъни ЎКС ST сегмент кўтарилишикузатилганда диастола фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили унда маълум ўзгаришлари юзага келишидан далолат берган. Бу ўзгаришлар бевосита диастолик ўзгаришларнинг чуқурлашуви ва чап бўлмачада (ЧБ) босим ортиши каби гемодинамик-мослашув механизмларни юзага келиши билан боғлиқ бўлган. Ваҳоланки, бундай ЧҚ диастолик фаолиятнинг бузилишлари турли даражадаги диастолик

дисфункцияни (ДД) шаклланишига олиб келган. Ўз навбатида, тадқиқотга жалб қилинган беморларда ЭхоКГ кўрсаткичларига нисбатан ЧҚнинг ДД турларига кўра тақсимланишини таҳлили ЧҚ миокардида шикастланиш ёки некроз майдони кенглиги асосида унинг функционал имконияти бузилиши негизида юзага келганидан далолат берган. Бунда ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ ДДнинг 2-даражали ёки псевдомеъёрий тури ва 3-даражали ёки рестриктив турлари учраб, беморларнинг мос равишда 39,2% ва 13,7% улушини ташкил қилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу гуруҳдаги беморларда клиник-анамнестик маълумотларига кўра, АГ давомийлиги бошқа гуруҳдаги беморларга нисбатан кўпроқ бўлган. Қолаверса, ЎКСнинг ЎМИга ўтиши ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НСга нисбатан ЧҚ ДД устунлиги билан фарқланган. ЎКС ST сегмент кўтарилиши→НСда 77,8% ДД аниқланмаган бўлса, барча ИМ беморларда ДД кузатилган.

Шундай қилиб, ЭхоКГ кўрсаткичларининг таҳлили ЎКС ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи беморларда ЎМИ билан яқунлашиши ЧҚнинг систолик ва диастолик фаолиятининг ифодаланган ўзгаришига сабаб бўлган ва айниқса ЎКС ST сегмент кўтарилиши→Q тишли ЎМИ ДД кузатилиши билан кечган.

Бугунги кунда маълумки, ЮИКнинг негизини ташкил қилган тож томирларидаги атеросклеротик жараён миокарддаги ўзига хос ишемик ўзгаришларга олиб келиши яллиғланиш механизмлар билан чамбарчас боғлиқдир. Холбуки, ишемик ўзгаришлар, шикастланиш ва некротик бузилишлар негизидаги яллиғланиш жараёнининг фаоллиги баҳолаш имконини берадиган яллиғланишнинг ўткир фаза оқсиллари оиласига мансуб С-реактив оқсил (СРО) динамикасига олиб келади. Бунда ЎКС ST сегмент кўтарилишида СРО назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан 4 баробар ( $p < 0,001$ ), ЮИК-СС II-IV га чалинган беморларга нисбатан эса 2 баробар ( $p < 0,05$ ) фарқ қилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Беморларда яллиғланиш жараёни кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=20)	I гуруҳ (ЎКС ST сегмент кўтарилиши) (n=100)	II гуруҳ (ЮИК-СС II-IV) (n=30)	p
СРО (мг/л)	4,4±0,71	17,5±3,7	9,9± 1,8	$p^* < 0,001$ ; $p^\& < 0,01$ ; $p^\# < 0,05$
ЎНО-α (пг/мл)	32,3±1,9	112,5±9,2	81,2±8,4	$p^* < 0,01$ ; $p^\& < 0,05$ ; $p^\# < 0,05$
IL-1β (пг/мл)	32,1±3,1	116,4±10,7	97,3±8,1	$p^* < 0,001$ ; $p^\& < 0,02$ ; $p^\# > 0,05$
IL-6 (пг/мл)	42,4±6,1	156,2±13,1	101,2±9,1	$p^* < 0,001$ ; $p^\& < 0,05$ ; $p^\# < 0,05$

Изоҳ: СРО – С-реактив оқсил; p – ишончлилик даражаси, яъни: \* - I ва назорат гуруҳлари, & - II ва назорат гуруҳлар ва # - I ва II гуруҳлар орасида фарқланиш шартли белгилари.

Маълумки, иммун тизимининг ҳар қандай ўткир вазиятга, жумладан ишемия, гемодинамик бузилишлар ва қон ивиш тизимининг ўзгаришига ўзига

хос бўлган жавоблари, яъни тўқималарни тиклашга қаратилган механизмида цитокинлар тизимининг фаоллашуви кузатилади (Kang S. et al., 2020). Улар ичида ЎНО- $\alpha$  яллиғланиш олди реакцияларини шакллантиришда муҳим воситачиларидан бири ҳисобланади ҳамда у бошқа цитокинлар билан ҳамкорликда деярли барча тикланиш механизмларида иштирок этади (Иванникова Е.В. 2013). Шу билан бир қаторда, у томир эндотелий фаолияти бузилиши, жумладан NOS-2 орқали патологик NO ҳосил бўлишига туртки бўлади. Қолаверса, томир эндотелиясида жойлашган рецепторларнинг экспрессиясини кучайтиради ва лейкоцитларнинг тўқималарга миграциясига замин яратиш орқали эндотелий хужайраларининг парчаланишига олиб келади (Murakami T., 2008). Бунинг натижасида эффектор хужайралар фаоллашуви яллиғланиш медиаторларини синтезига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, 2-жадвалда кўрсатилганидек, тадқиқот йўлида олинган натижаларига кўра, ЎКС ST сегмент кўтарилиши миокарддаги ишемик вазият авжланиши негизида ЎНО- $\alpha$  миқдори ( $p < 0,01$ ) ошиб борган. Ўз навбатида, IL-6 артериал қон томирлари деворида жойлашган хужайра адгезия молекуласи атеросклерозни ривожланиши ва авжланишида муҳим омил ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, IL-6 миқдорининг кўпайиши артерия деворларида атеросклерознинг ривожланиши, пиллакча ўсиши ва коронар асоратларга айланишидан далолат беради. Олинган натижаларга кўра, IL-6 ЮИК вазият ўткирланиши натижасида унинг миқдори кўпайган. Бунда назорат ва II гуруҳларга нисбатан I гуруҳда у ишончли даражада ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$  мос равишда) фарқланган. Шу билан бир қаторда, соғлом кишиларга нисбатан ЮИК чалинган беморларда IL-1 $\beta$  миқдорини кўпайиши аниқланган (2-жадвал). Шундай қилиб, ЎКС ST сегмент кўтарилиши беморлари қон зардобидида IL-1 $\beta$ , IL-6 ва ЎНО- $\alpha$  цитокинларининг миқдори ошиши кузатилади.

### 3-жадвал

#### Беморларда томир эндотелиал фаолияти кўрсаткичлари


Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=20)	I гуруҳ (n=100)	II гуруҳ (n=30)	p
eNOS, (мкмоль/дак/л)	19,8 $\pm$ 0,61	13,9 $\pm$ 0,32	17,1 $\pm$ 0,11	$p^* < 0,01$ ; $p^\& > 0,05$ ; $p^\# > 0,05$
iNOS, (мкмоль/дак/л)	0,31 $\pm$ 0,02	0,49 $\pm$ 0,02	0,36 $\pm$ 0,01	$p^* < 0,05$ ; $p^\& > 0,05$ ; $p^\# < 0,05$
ONO $_2^-$ , (мкмоль/л)	0,13 $\pm$ 0,01	0,20 $\pm$ 0,02	0,15 $\pm$ 0,03	$p^* < 0,05$ ; $p^\& > 0,05$ ; $p^\# < 0,05$

Изоҳ: p – ишончилилик даражаси, яъни: \* - I ва назорат гуруҳлари, & - II ва назорат гуруҳлари ва # - I ва II гуруҳлар орасида фарқланиш шартли белгилари.

Маълумки, томир эндотелий фаолиятини изоҳлашда NO-тизими кийматларининг силжишлари артериал қон томири ўзгаришларига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади (Zacharia E. et al., 2020). Дарҳақиқат, тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг томир NO-тизимини ўрганиш туфайли гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасида тавофутлар борлиги аниқланган. Бунда, 3-жадвалдан кўриниб турибдики, ЎКС ST сегмент кўтарилишида eNOS кўрсаткичлари бошқа гуруҳлардан ишончли равишда фарқланиб, назорат


гурухига нисбатан яққол ( $p < 0,01$ ) камайган бўлса, iNOS ва  $\text{ONO}_2^-$  эса аксинча ( $p < 0,05$ ) ошган. ЮИК-СС II-IV га чалинган беморларда эса iNOS ва  $\text{ONO}_2^-$  назорат гурухига нисбатан статистик аҳамиятли бўлмаган ( $p > 0,05$ ) қийматлар кайд этилган.

Демак, 1-расмдан кўрсатилганидек, ЎКС ST сегмент кўтарилишига чалинган беморлар қон зардобиди назорат гурухига нисбатан eNOS эса 28,8% гача сезиларли даражадаги камайиши кузатилган.



**1-расм. Назорат гурухига (қизил чизик) нисбатан гурухларда NO-тизими кўрсаткичларининг ўзгариши (%).**

Бугунги кунда ЎКСнинг патогенетизида муҳим ўрин эгаллаган гемодинамик жараёнлардан ташқари, унинг ривожланишида ЭД ва иммунитет фаоллашувини аҳамияти ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқликлиги қаратилган етарли тушунчалар ҳам шаклланган. Шундай экан, ЎКС ST сегмент кўтарилишида ЭД ривожланиши ва авжланиши организмнинг турли вазиятдаги иммун жавобга боғлиқлигини ўрганиш илмий қизиқиш уйғотди.



**2-расм. NO-тизими ва цитокинларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги.**



Маълумки, яллиғланиш олди цитокинларини миокарднинг фаолиятига таъсири эндоген NO-тизими ишлаб чиқаришни модуляцияси орқали амалга оширилади (Fichtlscherer S., Breuer S., Zeiher A., 2004). Ўз навбатида eNOS фаоллиги миокардни қисқариши билан бошқарилса, iNOS эса цитокинларнинг миқдорига боғлиқдир (Kang S. et al., 2020). ЎКС ST сегмент кўтарилишида кузатилган ЭДнинг даражасини цитокинлар профилига нисбатан ўзгаришини ўрганиш кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғланишларга қаратилган таҳлил асосида амалга оширилди. Таҳлиллар негизида ЎНО- $\alpha$  ва IL-6 ларни назорат гуруҳида, 2-расмдан кўриниб турибдики, iNOS ва  $\text{ONO}_2^-$  билан ўзаро тўғри мусбат, NO ва eNOS билан эса манфий корреляцион боғланиш қайд этилган. Ўз навбатида, ЮИКга чалинган беморларда, айниқса I гуруҳда ЎНО- $\alpha$  ва IL-6 ларни беморлар қон зардобидида ошиб бориши бу боғланишларни тескари томонга ўзгаришига олиб келган. 2-расмдан кўриниб турибдики, NO-тизими кўрсаткичларини шу цитокинлар билан ўзаро корреляцион боғланиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда чизилган чизма назорат гуруҳда горизонтал ромб шаклида бўлса, I ва II гуруҳларда вертикал ромб шаклга айланган. Бунда iNOS ва  $\text{ONO}_2^-$  ларни ЎНО- $\alpha$  билан корреляцияси назорат гуруҳида мусбат  $r=0,56$  ва  $r=0,33$  мос равишда қайд этилган бўлса, I гуруҳ беморларида эса бу кўрсаткичлар манфий тескари боғланишга айланган (мос равишда  $r=-0,65$  ва  $r=-0,57$ ;  $p<0,05$ ). Бироқ, eNOS ни ЎНО- $\alpha$  билан ўзаро тескари боғланишдаги корреляцияси, беморларда (I ва II гуруҳларда) шу цитокинни ошиши негизида аксинча тўғри боғланишга айланган (I гуруҳ:  $r=0,52$  ва  $r=0,6$  мос равишда;  $p<0,05$ ). Шунингдек, iNOS ва  $\text{ONO}_2^-$  ларни IL-6 билан корреляцияси соғломларда тўғри боғлиқлик (мос равишда  $r=0,43$  ва  $r=0,73$ ) аниқланган бўлса, I гуруҳларда беморларда эса ушбу корреляция тескари боғланишга ( $r=-0,65$  ва  $r=-0,76$  мос равишда;  $p<0,05$ ) айланган.

Демак, корреляцион боғланишлар ЎКС ST сегмент кўтарилишида иммун-яллиғланиш жараёни, яъни яллиғланиш олди цитокинлари ЎНО- $\alpha$  ва IL-6 ларнинг агрессивлиги негизида томирлар эндотелий функцияси бузилишини авжланиши кузатилишидан далолат берган. Қолаверса, iNOS экспрессиясини фаоллашуви ва  $\text{ONO}_2^-$  концентрациясини ошиши негизида NO ва eNOS кескин камайиши туфайли ЭД авжланади.

Маълумки, ЭБВД томир деворининг функционал ҳолатини акс эттирувчи муҳим кўрсаткич бўлиб, елка артериясини реактив гиперемия синамиси орқали эндотелийга боғлиқ кенгайиш даражасини аниқлаш орқали ЭД ва унинг даражаларини аниқлаш мумкин (Иванов А.Н., 2014). Тадқиқотга жалб қилинган ЎКС ST сегмент кўтарилишива ЮИК-СС II-IV чалинган беморларда ЭБВД кўрсаткичлари ва уларнинг реактив вазодилатация қийматларининг таҳлили эса назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражадаги фарқликлари қайд этилганлигидан далолат берган. Бунда РГСдан кейин артерия диаметри ўзгариш даражаси ( $\Delta D$ ) ЎКС ST сегмент кўтарилишида назорат гуруҳига нисбатан деярли 3 баробар ( $p<0,001$ ) кўп силжиган. ЮИК-СС II-IV чалинган беморларда назорат гуруҳи билан ҳам РГС олдинги ( $p<0,05$ ) ва кейинги ( $p<0,001$ ) ҳолатларда  $\Delta D$  ишончли даражада фарқланган. Ўз навбатида, улар ўртасида  $\Delta D$ га нисбатан ишончли равишда ( $p<0,05$ ) силжишлар билан фарқланган. ЎКС ST сегмент

